Ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришда аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш йўллари

Ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришда аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишнинг асосий 5 та йўналишлари (блок)

1. **Ҳудудларда иқтисодий ўсишга туртки берувчи кичик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш**

2. **Хонадонларда аҳоли даромадларини ошириш**
   (маҳалла даражасидаги ишлар)

3. **“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш**

4. **Банк мижозлари билан учрашувларни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш**

5. **Норасмий тадбиркорлик фаолияти ва иш ўринларини легаллаштириш**

1

Ҳудудларда иқтисодий ўсишга туртки берувчи кичик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш

Ҳар бир туман (шаҳар)да камида **5 та**дан иқтисодий ўсишга туртки берувчи **"драйвер" лойиҳалар** танлаб олинади ва амалга оширирилади. Бу борада **2025 йилда 1 трлн сўм бюджетдан маблағлар йўналтирилади.**

Мисол учун: *Конимех туман марказида **5 гектар** ер майдонида жойлашган "Истироҳат боғини тўлик реконструкция қилиш учун **6,3 млрд.сўм** ажратилади, натижада **50 та** янги хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилиб, **65 та** янги иш ўринлари ҳамда **0,5 млрд.сўмлик** бюджет тушумлари яратилади.*

Кишлоқ хўжалиги ривожланган туманларда етиштириладиган маҳсулотларни **саноат усулида қайта ишлаш** йўлга қўйилади.

Масалан, Ангор, Денов, Қумқўрғон, Сариосиё ва Шеробод *туманлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича энг илғор ҳудудлар ҳисобланиб, вилоятда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг **56 фоиздан** ортиғи ушбу туманлар ҳиссасига тўғри келади. Лекин, ушбу туманларда сабзавотни қайта ишлаш даражаси **12-12,5 фоиздан ошмайди**.*

*Шунинг учун, қайта ишлаш лойиҳалари ушбу ҳудудларда ташкил қилиб, келгуси **уч йилда** ушбу ҳудудларда мева-сабзавотни қайта ишлаш даражасини **20 фоизга етказиш** бўйича алоҳида **Дастур** ишлаб чиқилади.*

Маҳаллалар ихтисослашувидан келиб чиқиб, **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқаришни **саноат марказлари** ташкил этилади.

Мисол учун: Жондор тумани "Охиих" *МФЙда мебел-чиликка ихтисослашган бўлиб, **140 дан** ортиқ хонадон ўз ҳовлиларида мебелчилик билан шуғулланади. МФЙ ҳудудида **1,8 гектарда** ташкил этилган мебелчиликка ихтисос-лашган кичик саноат зонаси зарур инфратузилма билан таъминлаш орқали (708,5 млн.сўм) **11 та** ташаббускорлар томонидан қиймати **15,1 млрд.сўм** мебелчилик йўналишидаги лойиҳаларни саноат даражасига олиб чиқилади.*

Эски боғларни реконструкция қилиш, саноатлашган плантация, боғ ва узумзорлар ташкил этилади ва мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланилади.

Мисол учун: Хатирчи туманида *самарасиз **2,3 минг гектар** узумзорлар босқичма-босқич тўлиқ янгилаш учун имкониятлар мавжуд, уни тадбиркорларга кредит ҳисобига сотилади.*

Ҳудудларни ривожлантириш, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган **мастер-режаларни** ишлаб чиқилади.

Шаҳрисабз тумани "Мираки" *ҳудудида **240 гектар** ҳудуднинг мастер-режаси АТ "Алоқабанк"нинг молиявий кўмагида (148,5 минг доллар) жалб қилинган "ECM Group" томонидан ишлаб чиқилди. Натижада, **5,4 гектарда 408 ўринли** меҳмонхона ва **2 қаватли** савдо-кўнгилочар комплекси, **5,2 гектарда 300 ўринли** хостел ва **408 ўринли** меҳмонхона, **1,3 гектарда 2,05 км** дор йўли автотураргоҳ замонавий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилади.*

Йўл бўйи, сув бўйларида, туризм объектлари, **24/7** кўчалар, истироҳат боғлари, эски бозорларни ривожлантириш имкониятларини ишга солиш орқали, **хизматлар ҳажмини оширилади.**

Мисол учун: *Когон шаҳридаги "**Бухоро**" шох кўчасини **1 млрд сўм** маблағ ҳисобига зарурий инфратузилма тармоқлари билан таъминлаб, замонавий 24/7 режимида ишлайдиган савдо ва хизмат кўрсатиш кўчасига айлантириш орқали **35 та** янги хизмат кўрсатиш объектларида **270 та янги** иш ўрни, **28,5 млрд сўмлик** қўшимча хизматлар ҳажми ҳамда бюджетга қўшимча **1,5 млрд сўм** тушумлар яратилади.*

Жадал комплекс ривожлантириш учун туман (шаҳар)ларни танлаб олиб, қарор лойиҳалари ишлаб чиқилади.

*Тадбиркорлик фаолияти ҳамда аҳолининг барча қатламларига яшаш ва дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида **14 та** туман ва шаҳарларни жадал комплекс ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади. Бунда давлат бюджетидан 2024 йилда **500 млд сўм** ва 2025 йилда **1 трлн сўм** маблағлар ажратилади.*

"Қишлоқ инфратузилмасини", "Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш" ва **"Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш", "Ўрта шаҳарларни ривожлантириш"** лойиҳаларини амалга оширишда маҳаллий ҳокимликлар роли оширилади.

*Масалан, **Қишлоқ инфратузилма лойиҳаларини** шакллантиришда аҳоли даромадларини ошириш, уларга қулай шароитлар яратиб бериш, сайлгоҳ ва дам олиш масканларини барпо этиш масалаларига устуворлик бериш лозим. **Ўрта шаҳарларни ривожлантириш лойиҳалари** доирасида ҳам маблағларда самарали фойдаланиш лозим, дастлаб, туман марказини қиёфасини ўзгартиришга урғу бериш керак. Бу, ушбу кўчаларни 24/7 режимда ишлаши учун имконият яратиб беради.*

2 Хонадонларда аҳоли даромадларини ошириш *(маҳалла даражасидаги ишлар)*

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш Бунда, **10 та**дан хонадон танлаб олиб, уларни даромадини **60-70 млн сўм**га чиқариш ва бошқа хонадонларга намуна қилиш.

Мисол учун: *Навбахор тумани "Қоровултепа" маҳалласида Акрамов Алишерга Халқ банки томонидан **33 млн сўм** кредит маблағлари евазига **1 сотих** иссиқхона, **25 бош** товуқ ва **2 та** йирик чорва ҳамда қўзиқорин етиштириш учун мўлжалланган ускуна олиб берилди ҳамда **2 сотих** томорқасидан самарали фойдаланиш мақсадида картошка экинлар экишга кўмаклашилган. Натижада, хонадоннинг даромади **10 млн сўмдан 68 млн сўмга** етказилди ҳамда **2 нафар ишсиз** фуқаронинг бандлиги таъминланди.*

Республика бўйича кам таъминланган оилаларнинг улуши юқори, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда инфратузилма билан таъминланиш даражаси паст бўлган **1024 та** "оғир" маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашда аҳоли ўртасида ижтимоий шартномаларни йўлга қўйилади.

*Ушбу маҳаллаларниги томорқа ерларини суғоришни яхшилаш ёки уларга электр энергияси барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини, ички йўлларни таъмирлаш ва бошқа инфратузилмани яхшилаш учун **3,2 трлн. сўм** маблағ ажратиш.*

Аҳолига ижарага берилган ерларда юқори даромадли экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга қаратилган "**Бир контур-бир маҳсулот**" тамойили асосида намунали лойиҳаларни амалга ошириш;

Мисол учун, *Агробанк кўмагида Ангор тумани **Қўштегирмон** МФЙда **12 гектар** майдонда брокколи карами экиш бўйича "**намунали лойиҳа**" амалга оширилган.*

Мазкур лойиҳага "Агро Лимон Бунёд" МЧЖ агрегатор сифатида бириктирилган ва ер эгалари ўртасида фючерс шартномалари тузилган. 1 гектар ер майдондан 15 тонна брокколи карами етиштирилиб, (1 кг нархи 13 минг сўм) гектаридан 257 млн.сўмгача даромад олиш имконини беради.

"Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш", "Бизнесга биринчи қадам", "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" дастурлари ҳамда **"Тадбиркорлик компанияси"** молиявий инстурментларидан фойдаланиди.

Масалан: *Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **Агробанк, Микрокредит-банк, Халқ банк** томонидан **33 млн сўмгача**, барча тижорат банклар томонидан **20 млн сўмгача** бизнесни бошлаш учун микрокредитлар, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун **300 млн сўмгача** микрокредит ҳамда "Тадбиркорликни ривожлантириш компаниясини" молиявий инструментлари мавжуд.*

Ҳар бир маҳаллада камида **40 та** микролойиҳаларни (*2 ва ундан ортиқ иш ўрин яратадиган*) амалга ошириш.

***Масалан, 100 млн** сўмгача гаровсиз кредит олиб, **2 ва ундан ортиқ** иш ўрин яратадиган кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, шу жумладан сартарошхона, нонвойхона, кичик савдо шахобчалари, яшик ишлаб чиқариш.*

3 "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш

Йил якунига қадар 500 минг, 2025 йилда 1 млн аҳолини камбағалликдан чиқариш

50 минг гектар пахта ва ғаллагадан қисқартириб, камбағал аҳолига ижарага бериш

5 тадан камбағал оилаларга **6 ойга** раҳбар ва ўринбосарларни бириктириш

Камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича янги ёндашувлар асосида **дастурлар ишлаб чиқиш**

4 Банк мижозлари билан учрашувларни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш

“Уйчи тажрибаси” асосида **ҳокимлар ва тижорат банклари ҳар куни камида 5 тадан** тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг муаммолари ҳал қилиш ва таклифлари асосида янги иш ўринларини яратиш.

Бу борада, 2025 йилда ҳар ойда **уч марта учрашувлар** ўтказиш бўйича режа-графикларни тасдиқланади.

Мисол усун: “Саноатқурилишбанк” АТБ *томонидан Хатирчи туманида ўз мижозлари билан ўтказган учрашувларда* ***“Соғлом хаёт 2020” МЧЖ*** *раҳбари томонидан тиббиёт ускуналарини харид қилиш учун* ***5,0 млрд. сўм*** *миқдорида кредит ажратишни сўраган.* ***“Соғлом хаёт 2020” МЧЖга*** *МРТ, МСКТ ва Рентген аппаратларини харид қилиш учун* ***5,0 млрд.сўм*** *кредит ажратилиб,* ***50 нафар*** *янги иш ўринлари яратилган.*

5 Норасмий тадбиркорлик фаолияти ва иш ўринларини легаллаштириш

Электр энергия ва газ истеъмоли мавжуд бўлиб **ишчи ходимлар сонини “0” ва “1” нафар** кўрсатаётган **корхоналар** фаолиятини ўрганиб, легаллаштириладиган иш ўринлари.

Қурилиш корхоналарининг **товар айланмаси ҳамда ишчилар сонидан** келиб чиқиб, легаллаштириладиган иш ўринлари.

Ишчи ходимлар сонини камайтириб юборган корхоналарда легаллаштириладиган иш ўринлари

Иш ҳақи жамғармасини камайтирган, ҳудуд ва соҳасидан келиб чиқиб **ўртача ишчи ходимлар сонидан кам бўлган корхоналарда** легаллаштириладиган иш ўринлари;

Чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа **хизмат кўрсатиш объектларини фаолият майдони**дан келиб чиқиб, легаллаштириладиган ишчи ходимлар сони;

Транспорт корхоналарида мавжуд **транспортлар сонидан келиб чиқиб**, легаллаштириладиган ишчи ходимлар сони.